

СЕНТЯБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ВАТАНИМ”

Гуруҳ	Ўрта					
Мавзу	Менинг азиз Ўзбекистоним					
Муддати	Сентябрь ойининг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Оёқ учида, товонда, оёқнинг ташқи ён томонида юриш. Юриш жараёнида мувозанатни сақлаш. Тарбиячи ишорасидан кейин топшириқни бажариш. Қўлларни эркин ҳаракатлантирган ҳолда қадам ташлаш				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўз тенгдошлари билан ижобий мулоқотга киришиш, ўз ҳиссиётларини эркин намоён этиш, ўзини дадил тутиш. Эслатмаларсиз катталар билан саломлашиш. Ўйин жараёнида тенгдошлари билан аҳил ўйнашга ундаш				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Берилган топшириқни тушуниб, савол ва топшириқларга тўғри жавоб қайтариш. Ёшига мос шеърларни ёд олдириш. Шаблонларни штрихлаш. Таълимий ва сўз ўйинларини ўйнаш орқали нутқини ривожлантириш				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Давлат рамзларини мустақил номлаб бериш. Расмларни таққослаш. Геометрик шаклларни тўғри номлаш. Амалий тажрибаларга нисбатан қизиқишларни кучайтириш				
	Ижодий ривожланиш	Ўзбек миллий амалий санъати ҳақида илк тушунчаларни бериш. Ўзбекистоннинг замонавий иншоотлари ва тарихий обидалари ҳақида маълумотларга эга бўлиш				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Тошкент кўприклари		Мен яшайдиган уй. Ўзбек оиласига ташриф (экскурсия).		Кубиклар, геометрик шакллар, елим ва ёғочдан ясалган модуллар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Ўзбекистон шаҳарлари” ролли ўйини				Расмлар, видео ва фотоматериаллар
	Тил ва нутқ	Ўзбекистон-менинг Ватаним. Суҳбат		Ўзбекистон ҳақида шеърлар ёдлаш		Ўзбекистон ҳақида слайдлар, “Халқ амалий санъати” плакати, китоблар бурчаги
	Фан ва табиат	Амалий тажриба: Сув		“Куз барглари” таълимий ўйин		Иккита стакан, бўёқ ва мўйқаламлар, турли дарахтлар ва баргларнинг расмлари
	Санъат	Расм чизиш: Ўз шаҳримни қандай кўришни истайман?		Аппликация: Сўзана	Севимли ўйинчокни ясаймиз	Ўзбекистон харитаси, шаҳарлар тасвирлари туширилган слайдлар, рангли ва оқ қоғозлар, елим, қайчи, гуашь, сўзана тасвирланган қоғоз
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

СЕНТЯБРЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА МЕНИНГ АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНИМ

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Тошкент кўприклари

Мақсад: болалар ўз фикрлари бўйича схемали фотосуратларни курадилар, турли хил ҳажм ва кўринишдаги шаклларни номлайдилар, тартиби бўйича 1 дан 10 гача санайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: куб, геометрик шакл, елим ва ёғочдан ясалган модуль, расм, фотосуратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кўприклар кўринишидаги расм ва фотосуратларни кўриб чиқиш.
2. Болалар билан кўприк қуришни режалаштириш.
3. “Ҳажмига қараб танла” баландлик ва қалинликни аниқлашга ўргатувчи таълимий ўйин
4. Қуриш-ясаш жараёни
5. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: видеофильмлар намойиши.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда ижодий тасаввурларни ривожлантириш, вазифаларни тақсимлаш, жамоа бўлиб ишлаш.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Мен яшайдиган уй

Мақсад: болалар ҳар хил конструкциялардан ўз уйлари курадилар, шакл ва ҳажмига кўра предметларни бириктирадилар, сонларни тартибига кўра санайдилар, геометрик шакллар номини айтадилар, ўз оила аъзоларига самимий муносабатда бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, геометрик шакл, лево, кутича, ўйинчоқ, схема, расм, фотосуратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Оила”мавзусига оид суратларни кўриб чиқиш.
2. “Шу шаклдаги предметни топ” таълимий ўйини.
3. Уй қуриш.
4. Болалар ишининг муҳокамаси ва болалар ижодини рағбатлантириш.

Қўшимча: ўзбек хонадони билан танишув, оила ва оила аъзолари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Эътиборга молик жиҳати: қурилмалар намуналарини таҳлил қилиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Ўзбекистон шаҳарлари” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар Ўзбекистон шаҳарлари ва унинг тарихини билишга кизиқадиладар, замонавий ва қадимий қурилмаларни қиёслашни ўрганадилар, ўз тасаввуридаги объектлар билан ўйин ҳаракатларини амалга оширадилар, бирон бир жиҳознинг ўрнини босувчи предметларни ишлатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: расм, видео ва фотоматериал, экскурсия учун атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўзбекистон шаҳарлари ҳақида суҳбат.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Автобусда ҳар хил ёдгорликлар, диққатга сазовор жойларга экскурсия.
4. Экскурсия таассуротлари билан ўртоқлашиш.

Қўшимча: тарбиячи бадий адабиётлардан намуналар ўқиб беради, тарихий обидалар билан таништиради.

Эътиборга молик жиҳати: атрофдаги ўзгаришларга ўз фикрини билдира олиш.

Тил ва нутқ маркази

Суҳбат: Ўзбекистон- менинг Ватаним

Мақсад: болалар ўз ватанининг номини биладилар, ватан ҳақида тасаввурга эга бўладилар, ўзлари туғилган шаҳар (қишлоқ), унинг диққатга сазовор жойларига қизиқадилар, нутқда сифат ва от туркумларини тўғри қўллай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Ўзбекистон ҳақида слайдлар, халқ амалий санъати намуналари, китоб бурчаги, сюжетли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат: “Ватан нимадан бошланади?” (онадан, оиладан, мен яшайдиган уйдан, биз борадиган боғчадан, дўстларимдан).
2. “Гапни давом эттир” сўз ўйини
Биз _____ шаҳрида яшаймиз.
Шаҳримиз аҳолиси _____ дейилади.
Бизнинг ватанимиз _____ .
Ўзбекистоннинг пойтахти _____ .
Ўзбекистон Президенти _____ .
3. “Қандай ва қанақа?” таълимий ўйини (болалар бирор предметни кўриб унинг хусусиятлари ҳақида гапириб берадилар).
4. Ҳикоя тузиш.

Кўшимча: бадиий адабиётларни ўқиб бериш, меъморий ёдгорликлар билан танишиш.

Эътиборга молик жиҳати: гўзалликни кўриш қобилияти, ватанпарварлик ва ватанга муҳаббат ҳисси.

Тил ва нутқ маркази

Ўзбекистон ҳақида шеърлар ёдлаш

Мақсад: болалар шеър ёдлайдилар, шеър муаллифини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Ўзбекистон ҳақида фотосуратлар ва расмлар, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўзбекистон ҳақида суҳбат.
2. Шеърни тинглаш.
3. Шеър мазмуни юзасидан суҳбат
4. Шеърни ёд олиш.

Кўшимча: атроф-олам ҳақидаги билим ва тасаввурларни кенгайтириш, болалар луғатини бойитиш ва фаоллаштириш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар томонидан сўзларни тўғри талаффузи.

Фан ва табиат маркази

Амалий тажриба: Сув

Мақсад: болалар сувнинг физик хусусиятларини биладилар, амалий тажрибалар натижасидан хулоса чиқарадилар, табиат ҳодисалари билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: иккита стакан (1тасида сув, 1тасида сут) иккита таёқча, бўёқ ва мўйқаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. **1-тажриба:** болалар олдида 1 стакан сув ва 1 стакан сут қўйилади. Иккала стаканга ҳам таёқча солинади, қайси бирида таёқча кўринади, қайси бирида таёқча кўринмайди? Нима учун? Олдимиздаги сувли стаканда таёқчани кўрамиз, сутлида эса кўрмаймиз.

Хулоса: сув тиниқ, сут эса йўқ.

2. **2-тажриба:** сувнинг мазаси борми ёки йўқ? Болаларга найчадан сув ичиш тавсия қилинади. Мазаси борми? Қиёслаш учун сут ёки шарбат берилади.

Хулоса: Сувнинг таъми йўқ.

3. **3-тажриба:** сувнинг ҳиди борми ёки йўқ? Болалар сувни ҳидлаб кўриб, уни ҳиди бор, йўқлигини айтишади.

Хулоса: сув ҳидсиз.

4. **4-тажриба:** сувнинг шакли борми ёки йўқ? Болалар сувни стакан, хумча, лycopчa, стол устига қуюдилар. Нима юз беради? Сув қуйилган предмет шаклини олади, текис юзада эса тўкилиб кетади.

Хулоса: сув шаклсиз.

Қўшимча: сувнинг ҳаёт учун аҳамияти.

Эътиборга молик жиҳати: табиатга бўлган қизиқишни орттириш.

Фан ва табиат маркази

“Куз барглари” таълимий ўйини

Мақсад: болалар дарахтнинг танаси, шохлари, барглари борлиги ҳақида тушунчага эга бўладилар, чинор, терак, каштан дарахтларининг баргларини фарқлай оладилар, баргларнинг тўкилиш сабабларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли дарахтлар расми, барглар, гербарий учун альбом, ленталар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қайси дарахт барги” таълимий ўйини.
2. “Тасвирлаш бўйича дарахт баргини топ” таълимий ўйини.
3. Тўкилган барглардан гербарий ясаш.

Қўшимча: болалар билан куз ҳақида суҳбат. Дарахт ва барглар расмини чизиш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар тафаккурини ривожлантириш, уларда табиатни асраш ҳиссини тарбиялаш.

Санъат маркази

Расм: Ўз шаҳримни қандай кўришни истайман?

Мақсад: болалар ўз шаҳри (қишлоғи)нинг диққатга сазовор жойларини биладилар, айрим предметлар расмини чизадиладар, предметлар шакли ҳақида тасаввурга эга бўладилар, қоғоз рангини танлайдилар, тасвирни бутун қоғозга туширадиладар, мустақил ишлайдилар ва рангларни ажрата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А-4 ҳажмли қоғоз, бўёқ, мўйқаламлар, Ўзбекистон харитаси, шаҳар тасвири туширилган слайдлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўзбекистон харитасидан яшаб турган шаҳар (туман, вилоят)ни топиш. (Тарбиячи ёрдамида)
2. “Менинг севимли шаҳрим” мавзусида суҳбат.
3. Ижодий фаолият.
4. Болалар иши кўргазмаси.

Қўшимча: луғат иши: узун, баланд, паст, узун чизик сўзларининг маъносини амалий машқлар орқали ангаш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар ижодини шакллантириш, саранжом ва озода ишлашга ўргатиш.

Санъат маркази

Аппликация: Сўзана

Мақсад: болалар тайёр нақшлардан безаклар учун композиция тузишни биладилар, уларни бутун вараққа жойлаштирадиладар, қайчини тўғри ушлайдиладар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ ва рангли қоғозлар, елим, қайчи, гуашь, мўйқалам, схемалар, сўзана, мольберт, намуналар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли хил сўзаналарни кўриш (тарбиячи сўзана ҳақида гапириб беради).

2. Сўзана тайёрлаш схемалари билан танишиш.
3. Ижодий иш
4. Болалар ижодий ишларидан кўргазма.

Кўшимча: ўзбек халқининг турмуш тарзи билан танишиш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар ишлаганда уларнинг ижодига аҳамият бериш, қўл бармоқлари ҳаракатининг майда моторикаси.

Санъат маркази

Яшаш: Севимли ўйинчоқни ясаймиз.

Мақсад: болалар ўйинчоқни шакли, ранги ва қисмларининг жойлашув тартибига қараб ясайдилар, ўйинчоқнинг ташқи кўринишига аҳамият берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, яшаш учун клеёнка, стек, салфетка, ўйинчоқлар, схемалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сухбат: “Қайси ўйинчоқлар билан кўпроқ ўйнашни ёқтирасиз?”
2. Намуналар билан танишиш.
3. Керакли жиҳозларни танлаш
4. Ижодий устахонада ёқтирган ўйинчоқни яшаш.
5. Ясалган ўйинчоқлар кўргазмасини ташкил этиш.

Кўшимча: ёқтирган ўйинчоқни ўйнаш, ўйинчоқлар ҳақида сухбат, ўйинчоқлар ҳақида шеърни ўқиш бериш.

Эътиборга молик жиҳати: қўл бармоқлари майда моторикаси ҳаракатларини ривожлантириш.